

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРБЕРУВЧИ  
DSc.04/28.02. 2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХИКМАТОВ РУСТАМ САЙФИЛЛАЕВИЧ**

**ТЕРИ ЛЕЙШМАНИОЗИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА  
ТИЗИМЛИ ЭНЗИМОТЕРАПИЯСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНИШИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

УЎК: 618+61:578.7+615.8+615.849.19

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Хикматов Рустам Сайфиллаевич**

Тери лейшманиози билан оғриган беморларда тизимли энзимотерапиясини қўллашнинг патогенетик асосланиши.....3

**Хикматов Рустам Сайфиллаевич**

Патогенетическое обоснование применения системной энзимотерапии у больных кожным лейшманиозом .....26

**Khikmatov Rustam Sayfillayevich**

Pathogenetic rationale for the use of systemic enzyme therapy in patients with cutaneous leishmaniasis.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРБЕРУВЧИ  
DSc.04/28.02. 2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХИКМАТОВ РУСТАМ САЙФИЛЛАЕВИЧ**

**ТЕРИ ЛЕЙШМАНИОЗИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА  
ТИЗИМЛИ ЭНЗИМОТЕРАПИЯСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНИШИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2259 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, русс ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.dermatology.uz](http://www.dermatology.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сабилов Улугбек Юсупханович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маннанов Абдушукур Маликович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гильдиева Маргарита Сабиловна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий-3. Тел./факс: (+99878) 147-02-06; e-mail: niidiv@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий-3. Тел./факс: (+99878) 147-02-06 .

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.С. Арифов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.Б. Муллахонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**С.С. Арифов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва актуаллиги.** Дунёда тери лейшманиози (ТЛ) муаммоси ҳозирги вақтда амалиёт шифокорлари учун долзарбдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “...дунёда 120 миллиондан ортиқ лейшманиоз ҳолатлари мавжуд, шу жумладан висцерал тури”<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда Марказий Осиё мамлакатларида висцерал ва тери (шаҳар типига) лейшманиозлар деярли йўқ қилинган, аммо зооноз тери лейшманиози (ЗТЛ) минтақавий патологияда маълум бир ўринни эгаллашда давом этмоқда ва бу касалликнинг ўнлаб, юзлаб янги ҳолатлари қайд этилиб, ҳар йили рўйхатга олинмоқда. Асосий эндемик ўчоқлар қадимдан Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудида, шунингдек қўшни Қозоғистоннинг айрим вилоятларида жойлашган. Ушбу ҳудудларда эпизодларнинг намоён бўлиш даражаси ҳар хил бўлиб, аҳоли пунктлари ва табиий ўчоқларнинг ўзаро жойлашуви, аҳолининг ўчоқлар билан алоқада бўлиш частотаси ва иммун қатламининг мавқеи сабаб ҳар бир ерда аҳолининг касалланиш ҳолати ўзига хос хусусиятларга эга.

Бугунги кунда жаҳонда трансмиссив касалликларни даволаш ва олдини олишда катта муваффақиятларга эришилганига қарамай, тери лейшманиозини даволаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Тери лейшманиозининг ривожланиши ва даволашнинг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотларга қарамай, у бизнинг минтақамизда иммуногенетик ва цитокинли бузилишларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилмаган. Юқоридаги кўрсаткичларни ўрганиш дерматознинг турли клиник шакллари ривожланишининг патогенетик механизмларини чуқурроқ тушунишга, шунингдек, тери лейшманиозини даволаш усуллари такомилаштиришга имкон беради.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ривожлантириш ва халқаро стандартларга мослаштириш, хусусан, болалар ва катталарда учрайдиган турли тери касалликларининг олдини олиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда “... аҳолига тиббий ёрдамни кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усуллари яратиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш тарғиб қилиш...” вазифалари кўрсатилган<sup>2</sup>. Шунини таъкидлаш керакки, тери лейшманиози кам сонли протозой касалликлардан бири бўлиб, унинг юқиши одатда барқарор, кучли

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2017., <http://www.who.int/healthinfostatistics>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

ва узок муддатли иммунитетнинг ривожланишига олиб келади. Лейшманиялар облигат, ҳужайра ичи паразитлари бўлиб, ҳўжайиннинг гистиофагоцитар тизими ҳужайраларига кириб, ўзгариб, кўпайиш ва яшашга қодир, шунинг учун организмнинг жавоб реакцияси ўзига хос хусусиятларга эга. Аксарият олимлар тери лейшманиозига турғун иммунитетнинг мавжудлигини ўтказилган касаллик натижасида инсон организмида ҳужайрали иммун жавоб пайдо бўлиши билан изоҳлайдилар. Ҳужайравий бўғин билан бир қаторда иммунитетнинг гуморал бўғини ҳам маълум бир аҳамиятга эга бўлиб, у ҳам специфик антителаларнинг синтезига таъсир кўрсатишга қодирдир. Иммунитет жавобнинг хусусияти бўйича бундай зиддиятлар кўпинча иммун ҳолатни баҳолашда турли хил лаборатор усуллар қўлланилиши, алоҳида антигенларнинг ўзига хослиги ва ҳатто лаборатория ходимларининг субъективлигига боғлиқ. Келтириб ўтилган маълумотлар иммунитетни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш учун иммун ҳолатни янада чуқурроқ тадқиқ қилиши зарурлигини, шунингдек, тери лейшманиозининг асоратли шакллари, хусусан, металеишманиозни ривожланиши имкониятларини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12ноябрдаги ПФ-6110-сонли “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Қарори, 2020 йил 12 ноярдаги ПҚ-4891-сонли “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси.** Бутун дунёда хорижлик олимлар тери лейшманиозининг ривожланиш механизмида генетик ва метаболик бузилишларнинг ролини ўрганиш ҳамда уни даволаш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар олиб боришмоқда. Тери лейшманиозининг эпидемиологияси, ташхислаш ва даволаш соҳасида бутун дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, айниқса, тери лейшманиозининг кўзгатувчилари ва ушбу патологияни юқтирмайдиган генлар полиморфизмига оид илмий изланишларда бир қатор

натижаларга эришилди. Ҳозирги вақтда организмнинг кимёвий омиллар таъсирига, шу жумладан дори воситаларни қабул қилишга индивидуал жавоб кўрсатадиган далиллар мавжуд. Кўпчилик олимлар тери лейшманиозининг барқарор иммунитетнинг мавжудлигини ўтказилган касаллик натижасида инсон организмда хужайравий иммун жавоби пайдо бўлиши билан изоҳлайдилар [Skott P. ва б., 1996]. Хужайравий бўғин билан бир қаторда иммунитетнинг гуморал бўғини ҳам маълум бир аҳамиятга эга бўлиб, у специфик антителаларнинг синтезига ҳам таъсир қилиши мумкин [Reeds S.G.,1996; Arraes S.M. et al., 2008]. Замонавий қарашларга кўра, иммун тизимининг бузилиши иммун жавоб турларини (Th1- ва Th2-типлари) белгилайдиган маълум бир цитокинлар билан чамбарчас боғлиқ, бу йўналишдаги тадқиқотлар санокли бўлиб, бир-бирига жуда зиддиятлидир [Kurksuoglu N.et al.,1990; Ota H. Et al.,2008].

МДХ мамлакатлари тиббий адабиётларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тери лейшманиозининг этиологияси ва патогенези тафсилотларини очиб бериш цитокин ҳолатининг муҳим ролини тушунишга олиб келади, чунки иммун тизимининг турли хужайралари медиатор функциясини бажарадиган, яъни иммун жавобни белгилаб берадиган биологик фаол коммуникацион молекулаларини ишлаб чиқаради. Цитокинлар - бу организмнинг химоя реакцияларини шакллантириш ва тартибга солишда иштирок этадиган полипептид медиаторлар гуруҳидир. Нейро-иммун-эндокрин ўзаро таъсирларда энг муҳим ролни айнан цитокинлар ўйнайди, улар иммун жавобда ўзаро хужайравий-кооператив таъсирни амалга оширади. С.А.Плескановская тери лейшманиозини ўзидан кейин қайта юқишда турғун, кўпинча умрбод иммунитет қолдирадиган кам сонли протозой касалликлардан бири деб таъкидлайди. Қайта инфекцияга қарши иммунитет секин ривожланади ва хўжайин организмнинг лейшмания билан узоқ муддатли ўзаро таъсирида етарли интенсивликка эришади.

Ўзбекистонда ўтказилган бир қатор илмий тадқиқотлар тери лейшманиози юқиши одатда турғун, кучли ва узоқ муддатли иммунитет ҳосил қиладиган кам сонли протозой касалликлардан бири эканлигини исботлади. Кўпчилик олимлар тери лейшманиозига доимий иммунитетнинг мавжудлигини ўтказилган касаллик натижасида инсон организмда хужайрали иммун жавоб пайдо бўлиши билан изоҳлайдилар [Аляви С.Ф., 2000; Маннонов А.М., 2004; Рахматов А.Б., 2014].

Шуни таъкидлаш керакки, дерматознинг клиник тузилишини ҳар томонлама ўрганиш, иммун ва цитокин ҳолатларининг баҳолаш, шунингдек, этиотроп ва тизимли энзимотерапия қўлланилиши фонида яллиғланиш реакциясининг оғирлиги учун жавобгар бўлган эндоген интоксикациянинг табиатини тадқиқ қилиш биздаги ва хорижий дерматологияда амалга оширилмаган. Бугунги кунга қадар тери лейшманиозининг патогенезида биотрансформация ферментларининг иштирокининг генетик мойиллиги ва метаболик механизмлари ўрганилмаган. Тери лейшманиозини даволаш масалалари ҳам амалда деярли ҳал этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази режасига мувофиқ ПЗ – 2017092826 “Тери лейшманиози патогенезида ксенобиотиклар детоксикацияси тизимининг генлари полиморфизмининг роли, унинг дори воситаларининг биотрансформациясидаги ролини аниқлаш ҳамда даволаш ва профилактик чора-тадбирларни персоналлаштириш” номли грант лойиҳасига мос келади.

**Тадқиқот мақсади** тери лейшманиозига чалинган беморларни тизимли энзимотерапияни ўз ичига олган даволашни такомиллаштириш эди.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

зооноз тери лейшманиози кечишининг клиник вариантларини ўрганиш.

зооноз тери лейшманиозининг турли хил вариантларида иммун ва цитокин ҳолатининг бузилишлари табиатини ўрганиш.

зооноз тери лейшманиозининг турли хил вариантларида эндоген интоксикация табиатини ўрганиш.

тери лейшманиозига чалинган беморларда ксенобиотиклар детоксикацияси тизими генларининг тарқалишини ўрганиш.

олиб борилган тадқиқотлар асосида зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни ўз ичига тизимли энзимотерапияни олган даволашнинг патогенетик жиҳатдан асосланган, комплекс усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектига** Бухоро вилоятида яшовчи 120 нафар зооноз тери лейшманиозига чалинган беморлар кирди.

**Тадқиқот предмети**га биокимёвий, иммунологик, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун периферик қон ва зардоб, шунингдек, лейшманияни аниқлаш бўйича микробиологик маълумотлар, жумладан ПЗР текширувлари кирди.

**Тадқиқот усуллари.** Умумклиник, биокимёвий, иммунофермент, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

беморлар организмнинг гомеостаз кўрсаткичлари билан боғлиқ зооноз тери лейшманиозининг клиник полиморфизми ва асоратли шакллари исботланган;

иммун ва цитокинли ҳолатнинг зооноз тери лейшманиозини клиник намоён бўлишига патогенетик таъсири ва уларнинг иммунитетни шакллантиришдаги аҳамияти исботланган;

зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда кўрсаткичлари дерматознинг клиник кечиши вариантлари билан боғлиқ эндоген интоксикациянинг ривожланиш механизмлари исботланган;

зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда биринчи марта цитохром P450 детоксикация генларининг тарқалиши билан боғлиқ бўлган терапияга қаршилик механизмлари исботланди. Зооноз тери

лейшманиозининг асоратли шакллари билан МТНFRнинг (метилентетрагидрофолатредуктазининг) маълум бир генлари, хусусан TT генотипининг ўзаро алоқаси исботланган;

зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни даволашда стандарт дори воситалар мажмуасига тавсия этилган тизимли энзимотерапияни киритиш орқали яллиғланиш олди цитокинларини ишлаб чиқарилишини камайтириш ва иммунологик кўрсаткичларни меъёрига келтириш билан бир қаторда эндоген интоксикация синдроми кучини пасайтириш ва юқори самарага эришиш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда диагностик хатоларни камайтирадиган ва ўз вақтида тўғри даволашни тайинлайдиган, шунингдек, даволаш-реабилитацион чора-тадбирларига шахсий ёндашувни амалга ошириш имконини берадиган текширув алгоритми ишлаб чиқилиши асосланган;

Тери лейшманиозига чалинган беморларда иммуно-цитокин тизими кўрсаткичларини аниқлаш учун лаборатор скринингни клиник амалиётга жорий этилиши ва комплекс терапияда тизимли энзимотерапиянинг қўлланилиши терапевтик натижалар ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам самарадорлигини ошириши билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** услубий ёндашувлар ва усуллар, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, тадқиқотнинг тўғри режалаштирилганлиги, тиббий статистиканинг замонавий, апробация қилинган, тўғри усулларида фойдаланган ҳолда даволанган беморларнинг етарли миқдорда эканлиги, шунингдек олинган натижаларни хорижий ва ўзимиздаги тадқиқотлар билан холисона солиштириш, олинган тадқиқот хулосалари ва натижаларини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаштириш орқали тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у тери лейшманиозига молекуляр генетик омилларни аниқлаш, диагностика қилиш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш асосида республикада келгусида чуқур изланишлар олиб боришга замин яратди. Тери лейшманиозининг патогенезида организмнинг иммун ва цитокин тизимлари орқали даволаш самарадорлигини белгиловчи ксенобиотиклар детоксикация тизими (цитохром P-450) CYP2D6 ва CYP2C19 генларининг полиморфизми муҳим роль ўйнайди. Ушбу тадқиқот натижалари тери лейшманиозининг патогенези ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиради. Илмий иш давомида олинган маълумотлар ушбу касалликни даволашда тизимли энзимотерапияни қўллашнинг патогенетик асосланганлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни даволашнинг юқори самарали комплекс усул ишлаб чиқилган бўлиб, унда тизимли энзимотерапия қўлланилади. Бунда зарарланиш ўчоқларида тўлиқ бактериал негативация ва

ўзгарган иммун-цитокин ҳолати кўрсаткичларини тиклаб, ижобий терапевтик самара кўрсатишга имкон беради. Зооноз тери лейшманиозини ишлаб чиқилган патогенетик даволаш усули республика дерматовенерология муассасалари тиббий амалиётига жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 29 мартдаги 02-10/12-сонли хулосасига мувофиқ (Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 10 июндаги 02-10/2-сонли хати илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилди) бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари учун инновациялар:

*биринчи илмий янгилик:* биринчи марта зооноз тери лейшманиози ва унинг асоратли шакллари ривожланишининг маълум сабабларидан ташқари, минтақавий хусусиятни ҳисобга олган ҳолда металеишманиоз ҳолатларига олиб келиши мумкин бўлган касалликнинг оғир шаклларини ривожланишига таъсир этувчи триггерлар ва омиллар рўйхати кўшилди, бу диагностика босқичини, асосиз текширувлар ва муолажаларни қисқартиради, шунингдек, даволаш самарадорлигини оширади. Илмий тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2021 йил 21 июндаги 38-U-сонли буйруғи билан Хоразм вилояти ҳудудий филиали ҳамда ушбу марказнинг 2021 йил 17 июлдаги 143/1-сонли буйруғи билан Бухоро вилояти ҳудудий филиали амалиётига жорий этилди. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: зооноз тери лейшманиозини эрта ташхислаш эрта даволанишга имкон беради, бу кўпчилик беморларда чуқур ва аниқ яралар ҳосил бўлишига олиб келмайди, айниқса жароҳатлар асосан терининг очиқ соҳаларида жойлашганлиги учун бу ўз навбатида косметик нуқсонни яъни, терининг чандиқлари билан боғлиқ бўлади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: лейшманияни аниқлаш учун қўшимча равишда ташкил этилган лаборатория текширувларини ҳисобга олган ҳолда диагностика босқичини ўртача 2 баравар камайтиради, бу ётоқ кунларига қараб 2 ётоқ кунини ташкил қилади. 1 ётоқ-кун нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, самарадорлик 120 беморга 19 800 000 сўмни ташкил қилади. Анъанавий текшириш ва даволаш усулларида фойдаланган ҳолда харажатлар ҳар бир бемор учун 3 300 000 сўмни ташкил этади, ишлаб чиқилган усул эса стационар даволаниш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириш имконини беради, бу ҳар бир бемор учун 2 145 000 сўм иқтисодий эквивалентда ифодаланади. **Хулоса:** Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни даволаш такомиллаштирилиб, бу бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ҳар бир беморга 1 155 000 сўм миқдоридан тежаш имконини берди.

*иккинчи илмий янгилик:* зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда яралар лейшманиома (1-гуруҳ) 38 нафар (31,7%) беморда;

лимфангит ва лимфаденит белгилари бўлган лейшманиомалар (2-гурух) – 28 нафар (23,3%) беморда; тарқалган дўмбоқчали лейшманиомалар (3-гурух) – 25 та (20,8%) беморда ҳамда лимфангит белгилари ва тарқалган дўмбоқчали лейшманиомалар (4-гурух) - 28 та (24,2%) беморда кузатилгани аниқланди. Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган дерматозга чалинган беморларнинг 68,3 фоизида зооноз лейшманиознинг асоратли шакллари аниқланади. Илмий тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2021 йил 21 июндаги 38-U-сонли буйруғи билан Хоразм вилояти ҳудудий филиали ҳамда ушбу марказнинг 2021 йил 17 июлдаги 143/1-сонли буйруғи билан Бухоро вилояти ҳудудий филиали амалиётига жорий этилди. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ўтказилган тадқиқотлар дерматознинг эрта босқичларида маълум мавсумийликни ҳисобга олган ҳолда терининг очиқ жойларида ўзига хос шаклланишлар пайдо бўлганда дерматовенерологик хизматда беморларни эрта даволаш зарурлигини кўрсатади, бу эса тегишли даволанишга имкон бериб, косметик нуқсонларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** лейшманияни аниқлаш учун қўшимча равишда ташкил этилган лаборатория текширувларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш босқичини ўртача 2 барабар камайтиради, бу ётоқ кунларига қараб 2 ётоқ кунини ташкил қилади. 1 ётоқ-кун нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, самарадорлик 120 беморга 19 800 000 сўмни ташкил қилади. Анъанавий текшириш ва даволаш усулларидадан фойдаланган ҳолда харажатлар ҳар бир бемор учун 3 300 000 сўмни ташкил этади, ишлаб чиқилган усул эса стационар даволаниш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириш имконини беради, бу ҳар бир бемор учун 2 145 000 сўм иқтисодий эквивалентда ифодаланади. **Хулоса:** зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни даволаш такомиллаштирилиб, бу бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ҳар бир бемор учун 1 155 000 сўм миқдоридан тежаш имконини берди.

*учинчи илмий янгилик:* Sintol (Россия) томонидан синтез қилинган ПЗР ядроли (Изоген, Россия) праймерларнинг махсус тўпламлари ёрдамида барча клиник ҳолатларда ПЗР тадқиқотлари билан тасдиқланган зоонозли тери лейшманиозининг қўзғатувчиси тури аниқланди. Ўрганилган намуналарда лейшмания мавжудлигини аниқлаш учун биринчи босқичда лейшмания ДНКсининг консерватив ва турларга хос бўлимларини аниқлаш учун ПЗР таҳлили ўтказилди. Кейинчалик, лейшмания турларини аниқлаш учун аллелга хос ПЗР ўрнатиш техникаси ишлаб чиқилди. MTHFR (метилентетрагидрофолатредуктаза) генлари қуйидаги генотиплар билан ўрганилган: CC-CT-TT, улар зоонозли тери лейшманиозининг клиник кўринишлари билан боғлиқ. Биринчи марта олинган маълумотлар бизга ушбу вектор орқали трансмиссив касалликнинг кечишини башорат қилиш имконини беради. Илмий тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий

тиббиёт марказининг 2021 йил 21 июндаги 38-U-сонли буйруғи билан Хоразм вилояти ҳудудий филиали ҳамда ушбу марказнинг 2021 йил 17 июлдаги 143/1-сонли буйруғи билан Бухоро вилояти ҳудудий филиали амалиётига жорий этилди. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: зоонозли тери лейшманиозини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш яллиғланиш ҳосил бўлишининг оғирлигини камайтиришга ва ушбу дерматознинг реабилитация даврини сезиларли даражада енгиллаштиришга имкон берди. своевременном выявление и лечение зоонозного кожного лейшманиоза позволило уменьшить выраженность воспалительных явлений и значительно облегчить реабилитационный период данного дерматоза. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагича: лейшманияни аниқлаш учун кўшимча равишда ташкил этилган лаборатория текширувларини ҳисобга олган ҳолда диагностика босқичини ўртача 2 баравар камайтиради, бу ётоқ кунларига қараб 2 ётоқ кунини ташкил қилади. 1 ётоқ-кун нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, самарадорлик 120 беморга 19 800 000 сўмни ташкил қилади. Анъанавий текшириш ва даволаш усулларидадан фойдаланган ҳолда харажатлар ҳар бир бемор учун 3 300 000 сўмни ташкил этади, ишлаб чиқилган усул эса стационар даволаниш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириш имконини беради, бу ҳар бир бемор учун 2 145 000 сўм иқтисодий эквивалентда ифодаланади. **Хулоса:** зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни текшириш ва даволаш учун аниқ диагностик пакетлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ҳар бир беморга 1 155 000 сўм миқдорида тежаш имконини берди.

**Тўртинчи илмий янгилик:** Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларнинг умумий гуруҳида ИЛ-4 миқдорида озгина ўзгариш бўлиши билан бирга  $\alpha$ -ЎНО миқдорининг 2,7 баравар кўпайиши, организмда яққол яллиғланиш реакцияси бўлиши тўғрисида тасдиқлашга имкон бериб, бу клиник жиҳатдан асоратланган дерматоз шаклларининг кўпайиши билан ифодаланган, тизимли энзимотерапия кўринишида яллиғланишга қарши даволашни ўтказиш зарурлигини тавсифлаш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг экспрессияси бўйича маълумотлар иммунитетнинг хужайравий бўғини ва эндоген интоксикацияни ифодаланганлигининг маълум бир кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ эди. Бундан ташқари, цитохром P450 (CYP) генларини ўрганиш тегишли тузатишни талаб қиладиган дори воситаларининг биотрансформациясининг ўзгаришини кўрсатди ва ўтказилган тадқиқотларда тизимли энзимотерапия қўлланилди. Илмий тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2021 йил 21 июндаги 38-U-сонли буйруғи билан Хоразм вилояти ҳудудий филиали ҳамда ушбу марказнинг 2021 йил 17 июлдаги 143/1-сонли буйруғи билан Бухоро вилояти ҳудудий филиали амалиётига жорий этилди. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагича: яллиғланиш олди цитокинлар

титрининг 2,7 баробар кўпайиши  $\alpha$ -ЎНО зооноз тери лейшманиозининг асоратли кечишининг белгиларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин ва тизимли энзим терапия зарурлигини кўрсатади. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: лейшманияни аниқлаш учун кўшимча равишда ташкил этилган лаборатория текширувларини ҳисобга олган ҳолда диагностика босқичини ўртача 2 барабар камайтиради, бу ётоқ кунларига қараб 2 ётоқ кунини ташкил қилади. 1 ётоқ-кун нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, самарадорлик 120 беморга 19 800 000 сўмни ташкил қилади. Анъанавий текшириш ва даволаш усулларидадан фойдаланган ҳолда харажатлар ҳар бир бемор учун 3 300 000 сўмни ташкил этади, ишлаб чиқилган усул эса стационар даволаниш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириш имконини беради, бу ҳар бир бемор учун 2 145 000 сўм иқтисодий эквивалентда ифодаланади. **Хулоса:** зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни текшириш ва даволаш учун аниқ диагностик пакетлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ҳар бир беморга 1 155 000 сўм миқдоридан тежаш имконини берди.

**беинчи илмий янгилик:** иммун ҳолат ва цитокин статусини, шунингдек эндоген интоксикация кўрсаткичларини ўрганиш асосида, зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда тизимли энзимотерапияни стандарт схема билан биргаликда қўллаш асослаб берилди. Бу лейшмицид, яллиғланишга қарши ва шишларга қарши таъсирга эга бўлиб, шунингдек оғриқни камайтириш, тўқималарнинг регенерациясини тезлаштириш ва терининг чандиқларини олдини олиш имконини берди ҳамда беморларнинг турмуш фаровонлигини сезиларли даражада яхшилади. Илмий тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2021 йил 21 июндаги 38-U-сонли буйруғи билан Хоразм вилояти ҳудудий филиали ҳамда ушбу марказнинг 2021 йил 17 июлдаги 143/1-сонли буйруғи билан Бухоро вилояти ҳудудий филиали амалиётига жорий этилди. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни комплекс даволашда тизимли энзим терапиясининг жорий этилиши реабилитация даврини қисқартириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек, терида чандиқли атрофия пайдо бўлиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: лейшманияни аниқлаш учун кўшимча равишда ташкил этилган лаборатория текширувларини ҳисобга олган ҳолда диагностика босқичини ўртача 2 барабар камайтиради, бу ётоқ кунларига қараб 2 ётоқ кунини ташкил қилади. 1 ётоқ-кун нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, самарадорлик 120 беморга 19 800 000 сўмни ташкил қилади. Анъанавий текшириш ва даволаш усулларидадан фойдаланган ҳолда харажатлар ҳар бир бемор учун 3 300 000 сўмни ташкил этади, ишлаб чиқилган усул эса стационар даволаниш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириш имконини беради, бу ҳар бир бемор учун 2 145 000 сўм иқтисодий эквивалентда ифодаланади. **Хулоса:** Зооноз

тери лейшманиозининг асоратли ва асоратсиз шакллари даволашнинг янги усулининг жорий этилиши беморларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ҳар бир беморга 1 155 000 сўмдан тежаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий ишлар, шу жумладан 7 та журнал мақолалари, жумладан, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 6 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, диссертантнинг илмий тадқиқотидан иборат тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 132 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқот мақсади, объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги фан ва технология ривожланишининг асосий устивор йўналиши билан ўзаро боғлиқлиги, илмий янгиликлар ва амалий натижалар келтирилиши, олинган тадқиқот натижалари ва уларни жорий қилинишининг назарий ва амалий аҳамиятини тушунтирилиши, диссертация натижалари, структураси ва ҳажмининг нашр қилиниши ёритиб берилган.

"Тери лейшманиозини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари" номли диссертациясининг **биринчи бобида** диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар батафсил кўриб чиқилди ва муаммони ўрганилганлик даражаси аниқланди. Шарҳ тери лейшманиозининг таснифи, этиологияси ва патогенези, унинг мураккаб шакллари ва металеишманиози, ушбу патологияни даволашнинг асосий тамойиллари, ҳал қилишни талаб қиладиган аниқланган масалалар ҳақидаги замонавий ғояларга бағишланган.

"Тадқиқот материаллари ва усуллари" номли диссертациясининг **иккинчи бобида** илмий ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ турли хил иммунологик кўрсаткичлар ва цитокин ҳолатини, шунингдек эндоген интоксикация кўрсаткичларини ўрганиш материаллари ва усуллари тавсифланган. Тадқиқотлар 2018-2020 йилларда Бухоро вилояти тери-таносил касалликлари диспансерига стационар ва амбулатор ёрдам сўраб мурожаат қилган беморлар ўртасида ўтказилди. Бухоро вилояти аҳолиси орасида зооноз тери лейшманиози билан касалланган 120 нафар бемор текширилди. Клиник шаклларга кўра, зооноз тери лейшманиозига чалинган беморлар қуйидагича тақсимланди: асоратсиз ярали лейшманиомалар (беморларнинг I гуруҳи) 38 нафар (31,7%) бемор; лимфангоит ва лимфаденитли лейшманиомалар (беморларнинг II гуруҳи) – 28 та (23,3%)

беморда; тарқалган дўмбоқчали лейшманиомалар (беморларнинг III гуруҳи) 25 та (20,8%) беморда; лимфангит ва тарқалган дўмбоқчали лейшманиомалар (беморларнинг IV гуруҳи) 29 та (24,2%) беморда кузатилди.

Ташхисни умумқабул қилинган клиник-лаборатор мезонлар асосида қўйдик. Барча ҳолатларда ташхис лейшманияни (Боровский таначаларини) теридаги зарарланган ўчоқлардан микроскопик аниқлаш билан тасдиқланди.

Иммунокомпетент хужайралар фенотиби “Сорбент-ЛТД” томонидан ишлаб чиқарилган моноклонал антителалар ёрдамида Ф. Ю. Гариб ва ҳаммуал. усулида аниқланди (1995). Зардоб иммуноглобулинлари концентрациясини миқдорий аниқлаш G.Mancini бўйича радиал иммунодиффузия усули билан амалга оширдик.

Цитокин ҳолати кўрсаткичлари иммунофермент анализ (ИФА) ёрдамида инсон цитокинларини аниқлаш учун махсус тўпламлар ёрдамида ўрганилди: биологик суюқликларда ва культурал муҳитда ИЛ-4, альфа-ЎНО. ИФА натижалари икки тўлқинли режимда оптик зичликни ўлчанган ҳолда спектрофотометр ёрдамида қайд этилди. Натижаларни рўйхатдан ўтказишга фақат 450 нм филтър билан рухсат берилади.

Эндоген интоксикация кўрсаткичлари қон зардобидида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўрганилди: эритроцитларнинг сорбцион лаёқати (ЭСЛ) А. А. Тогойбаев ва б. (1988) ҳамда Н.И.Габриэляна ва б. (1981) усули бўйича ўрта молекуляр оғирликдаги пептидлар (ЎМП) (1981).

ПЗР-тадқиқотларини ўтказиш учун PCR-core тўпламлари (Изоген, Россия), SintoI фирмаси (Россия) томонидан синтез қилинган праймерларни қўлладик. Амплификацияни Терцик-М (“ДНК технологияси”, Россия) дастурлаштирилган термоциклерида амалга оширдик. Генетик таҳлил учун дастлабки материал тери лейшманиозига чалинган бемор терисининг эпителия тўқимасидан олинган қиринди бўлди. Биринчи босқичда ДНК (лейшмания ДНКси) ажратиб олинди. ДНКни тери қириндисидан ажратиб олиш учун “Проба-ГС” тўплами (“ДНК технологияси”, Россия томонидан ишлаб чиқарилган) ёрдамида сорбент ДНК экстракцияси усулини қўлладик. Ушбу тўпламнинг ишлаш принципи хаотропик агент гуанидин тиоционатни ўз ичига олган лизис эритмаси ёрдамида хужайра лизиси ва хужайра оксилларини денатурациясига, сўнгра нуклеин кислоталарни изопропанол билан чўктиришга ва уларни таҳлил қилиш учун эритмага ажратишга асосланган. ДНК мавжудлигини текшириш учун 1% агарозли гель электрофорези ўтказилди. Гел электрофорези учун 0,5 хТВЕ-буферни ишлатдик ва 30-60 дақиқа давомида 120В кучланиш бердик. ДНК концентрацияси ва тозалигини аниқлашда флуорометр (Qubit) ёрдамида ўлчадик.

Ўрганилаётган намуналарда лейшмания мавжудлигини аниқлаш учун биринчи босқичда лейшмания ДНКсининг консерватив ва турларга хос бўлимларини аниқлаш учун ПЗР таҳлилинини ўтказдик. Шу мақсадда Leish U1, Leish U2 ва Leish-proбенинг ўзига хос маркер гени учун олигонуклеотид

праймерлари ва флуоресцент зондларини лойихалаш ҳамда синтез қилиш амалга оширилди.

Кейинчалик, *Leishmania* турларига мансублигини аниқлаш учун аллелга специфик ПЗРни ўтказиш усули ишлаб чиқилди. Қуйидагиларни аниқлаш учун махсус олигонуклеотид праймерлари ва флуоресцент зондлар ишлаб чиқилган: *L.infantum*, *L.major*, *L.tropica*. Буни қўйиш учун (Real-Time PCR) Real-Time PCR7500 термал цикли (Applied Biosystem, АҚШ) ёрдамида амалга оширилди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илғор технологиялар марказида (раҳбар – т.ф.д. Далимова Д.А.) ўтказилди, бу ерда МТНFR (метилентетрагидрофолатредуктаза) ва СYP2D6, СYP2C19 генларидаги полиморфик вариантларининг аллеллари ва генотиплари уюшмалари ПЗР диагностикаси йўли билан ўрганилди, уларнинг клиник шаклларга қараб тақсимланиши тери лейшманиози, шунингдек, МТНFR ва СYP2D6, СYP2C19 генларининг турли хил вариантлари ўртасидаги ўзаро таъсири (рестрикция усули), уларнинг тери лейшманиози патогенезига комплекс таъсири баҳоланди.

Олинган маълумотларга ўртача арифметик қиймат (M), ўртача квадрат оғиш, стандарт хато (m), нисбий қийматларни ҳисоблаш (частота,%), Стьюдент критерийси (r) хато эҳтимолини ҳисоблаш билан (p), билан статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланган ҳолда Excel-2006 пакетида ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида Pentium-4 шахсий компьютерида статистик ишлов берилди.

"Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари" номли диссертациясининг **учинчи бобид**а тери лейшманиози билан касалланган 120 нафар беморни клиник-лаборатор текшируви натижалари келтирилган. Беморларнинг анамнезини ўрганилганда, кўпчилик беморларда касалликнинг илк босқичида терининг турли қисмларида нўхат катталигидаги ёрқин қизил рангдаги ўзига хос тошмалар пайдо бўлганлиги аниқланди, улар ўртача субъектив сезишлар ва енгил шиш билан бирга намоён бўлган. Беморлар терисида яралар дўмбоқчалар пайдо бўлганидан ўртача 15-20 кун ўтиб кузатилган. Одатда, ҳосил бўлган яраларларнинг марказий қисмида нуқта шаклдаги некроз пайдо бўлиб, унинг юзасида зич қуюқ қобиқ пайдо бўлади. Қобиқ олиб ташланганида, яранинг туби оқиш ранг бўлиб, озгина сероз ажралма чиқади. Шунини таъкидлаш керакки, лейшманиомалар атрофдаги инфилтратнинг парчаланиши туфайли катталашган. Баъзи ҳолларда лейшманиоз яраларининг периферик ўсиши содир бўлди, натижада йирингли некротик мўл оқма билан нотўғри шаклдаги кенг жароҳатлар пайдо бўлди.

Ўзида ЗТЛнинг турли хил клиник вариантлари бўлган беморларнинг аксарияти 20 дан 50 ёшгача (72,5%) бўлиб, ушбу муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди, чунки касаллик фаол ҳаёт тарзига эга бўлган ва фаол меҳнатга лаёқатли, чивин чақишига мойил бўлган популяцияда учрайди.

89,2% беморларда касалликнинг энг узок давомийлиги 45 кунгача бўлган. Бу беморларни тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилинишини кўрсатади, бу эса ЗТЛнинг асоратли шакллари ривожланишига олиб келади, ўз навбатида бу эса кейинчалик даволаниш жараёнини мураккаблаштиради.

Беморларни текшириш пайтида терида овал ёки нотўғри шаклдаги яралари жароҳатлар аниқланди. Одатда, бу яраларнинг туби нотекис ва чуқур бўлиб, сероз-йирингли оқмали оқиш рангга эга. Баъзи беморларда йирингли-некротик оқма қуриган ва бундай ҳолларда яра жигарранг-йирингли қобик билан қопланган. Яраларнинг чети кўпинча ўткир кесилган хусусиятга эга эди, баъзи жойларда эса арра тишли бўлган. Одатда, яралар атрофида ёрқин қизил, кўкимтир – қизил рангдаги зич ўзига хос инфилтрат аниқланди ва соғлом теридан яққол ажралган. Кўпгина ҳолларда инфилтрат ўлчами 3 дан 10 мм гача, баъзи ҳолларда эса 20-30 мм гача бўлган ўзига хос гардишли валиксимон кўринишга эга эди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, лейшманиомалар атрофидаги инфилтратнинг консистенцияси ўртача зич ва хамирсимон хусусиятга эга, юзасида эса кичик тангачалар кўринади. Баъзи беморларда бу инфилтратда оч сарғишли нуқта шаклидаги ялтираб турувчи кичик некроз ўчоқларини аниқлаш мумкин. Яра четидаги инфилтратнинг хусусиятига қараб касалликнинг давомийлигини нисбатан тахмин қилиш мумкин. Демак, дастлабки босқичларда инфилтратнинг қирралари силлиқ, шишган бўлади, теридаги патологик жараённинг давомийлиги ошиши билан инфилтрат ғадир-будир шаклга кириб, унинг қирралари аррасимон кўринишга эга бўлади ва лейшманиома атрофида тарқалган дўмбоқчалар пайдо бўлади.

Зооноз тери лейшманиозининг яралари жароҳатлари жойлашувига эътибор қаратиш лозим, уларнинг намоён бўлиши турлича бўлади ва бу маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

## Зооноз тери лейшманиозиди лейшаманияларнинг жойлашиши.

ЗТЛнинг клиник шакллари	Жойлашуви			
	Бош абс. %	Бўйин ва тана абс. %	Қўллар абс. %	Оёқлар абс. %
I гуруҳ (n=38)	5 4,2	16 13,3	10 8,3	7 5,8
II гуруҳ (n=28)	3 2,5	5 4,2	2 1,7	18 15,0
III гуруҳ (n=25)	1 0,8	3 2,5	4 3,3	17 14,2
IV гуруҳ (n=29)	3 2,5	2 1,7	8 6,7	16 13,3
Жами 120	12 10,0	26 21,7	24 20,0	58 48,3

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, кўпчилик беморларда ЗТЛнинг специфик намоён бўлиши қўл ва оёқларнинг терисида жойлашган, уларнинг частотаси жойлашувнинг аналогик кўрсаткичидан ошиб кетган, масалан, бошда 14-15 марта. Тошмаларнинг оёқлар терисида жойлашуви, қон томир ва лимфа тизимининг табиатини ҳисобга олган ҳолда, лимфангит ва лимфаденит кўринишидаги тегишли асоратларга олиб келади.

Тугунлар (лимфангитлар) пайдо бўлиши билан бир қаторда, лейшманиозли яраинг ўзидан 0,5-1-3-5 см масофада, терида юзаки жойлашган тарқалган дўмбоқчалар пайдо бўлиши мумкин. дўмбоқчаларнинг ўлчами жуда ўзгарувчан: наша донидан то катта нўхатгача бўлиб, уч ёки ундан ортиқ дўмбоқчалар гуруҳларида жойлашган, тўқ қизил рангли дўнглик юзасига эга конгломератлар ҳосил бўлади. Зооноз тери лейшманиози клиник кечиши вариантларидан кўришиб турибдики, ҳар бир клиник ҳолат нафақат шакли, балки асоратларининг табиати бўйича ҳам қатъий индивидуалдир. Юзага келадиган асоратлар ва уларнинг клиник кўринишларининг ифодаланганлиги, алал-оқибат беморларнинг турмуш фаровонлигини сезиларли даражада камайтирадиган турли хил косметик нуқсонларга олиб келади.

Зооноз тери лейшманиозининг асоратли шакллари ривожланишининг олдини олиш учун ушбу касалликнинг патогенетик механизмларини, яллиғланиш реакциялари механизмларини (цитокин ҳолати) ва терида патологик жараённи кечишини аниқлаб берадиган беморнинг иммун тизими ҳолатини ўрганиш керак.

Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларни комплекс иммунологик текшириш 120 нафар беморда ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини уларнинг клиник ва анамнестик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишдан иборат эди.

Назорат гуруҳидагиларнинг (21 ёшдан 36 ёшгача бўлган 19 нафар амалий соғлом шахслар) кўрсаткичлари билан солиштирилган умумий танлаб олинган беморларнинг иммун ҳолатини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**Зоноз тери лейшманиозига чалинган беморларда иммун ҳолати кўрсаткичлари.**

Иммун кўрсаткичлар %	Назорат гуруҳи (n=19)	(ЗТЛ) беморлар (n=120)	Ишончилилик
Лимфоцитлар	32,3±0,78	45,2±1,31	<0,001
СД <sub>3</sub> ,%	58,3±0,78	38,3±1,16	<0,001
СД <sub>19</sub> ,%	16,6±0,23	31,5±1,22	<0,001
СД <sub>4</sub> ,%	38,5±0,50	20,2±0,56	<0,001
СД <sub>8</sub> ,%	18,9±0,43	38,0±1,01	<0,001
ИРИ	2,06±0,06	0,58±0,02	<0,001
IgA, г/л	2,3±0,05	0,55±0,01	<0,001
IgM, г/л	1,4±0,03	1,75±0,04	>0,05
IgG, г/л	12,1±0,28	27,7±0,72	<0,001
АИК, ш.б.	14,1±0,30	35,4±0,96	<0,001

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, зоноз тери лейшманиозига чалинган беморларда (умумий танлаб олинган беморлар) назорат гуруҳидаги маълумотларга солиштирганда В-лимфоцитлар миқдори сезиларли даражада ошган: 31,5±1,22% ва 16,6±0,23%, мос равишда  $p < 0,001$ . Зоноз тери лейшманиозига чалинган беморларда умумий Т-лимфоцитлар миқдори сезиларли даражада камайди ва  $p < 0,001$  бўлганда назорат гуруҳида 58,3±0,78% га нисбатан 38,3±1,16% ни ташкил этди. Т-лимфоцитлар субпопуляцияси ҳолатига келсак, биз назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан Т-хелперлар миқдорини сезиларли даражада пасайганини аниқладик (мос равишда 20,2±0,56% ва 38,5±0,50%,  $p < 0,001$ ) ва аксинча, Т-супрессорлар миқдорини сезиларли даражада ошганини кузатдик (мос равишда 38,0±1,01% ва 18,9±0,43%  $p < 0,001$ ). Аниқланган ўзгаришлар, мос равишда иммунорегулятор индекс (ИРИ) кўрсаткичининг сезиларли даражада пасайишига олиб келиб, зоноз тери лейшманиозига чалинган беморларда ҳаммаси бўлиб 0,58±0,002 ни ташкил қилади, назорат гуруҳида эса 2,06±0,06 бўлади, яъни, ЗТЛга чалинган беморларда ИРИ индекси тахминан 4 баравар камайиб, бу ушбу дерматозли беморларда иммун тизимининг сезиларли даражада бостирилишига ишончли далилдир.

Иммунитетнинг гуморал бўғинини қийматлари ҳам табиатан турлича бўлиб, IgA миқдорининг сезиларли даражада пасайиши (назоратда гуруҳидаги 2,3±0,05 г/л га нисбатан 0,55±0,01 г/л  $p < 0,001$ ) ҳамда IgG қийматининг сезиларли рашишда ўсиши билан ифодаланган (назорат гуруҳидаги 12,1±0,28 г/л га нисбатан 27,7±0,72 г/л  $p < 0,001$ ). IgM кўрсаткичига келсак, ЗТЛга чалинган беморлар ва назорат гуруҳи қийматлари ўртасидаги фарқлар сезиларли эмас эди (назорат гуруҳида 1,4±0,03 г/л га нисбатан 1,75 ± 0,04 г/л,  $p > 0,05$ ). Олинган натижалар зоноз

тери лейшманиозига чалинган беморларнинг умумий намунасида ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларининг сезиларли даражада ўзгарганини кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу касалликда эндоген интоксикация белгиларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган айланиб юрувчи иммун комплексларининг сезиларли даражада кўпайгани аниқланади (назорат гуруҳидаги  $14,1 \pm 0,30$  ш.б.га нисбатан  $35,4 \pm 0,96$  ш.б.  $p < 0,001$ ).

Шундай қилиб, олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, умуман олганда, зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда иммун тизимида бузилишлар кузатилиб, бу ҳужайравий иммунитет фаоллигининг пасайиши ва гуморал иммунитетнинг фаоллиги кучайиши билан ифодаланади.

Зооноз тери лейшманиозининг турли хил вариантларида ЗТЛга чалинган беморларнинг умумий намунасида аниқланган ҳужайравий ва гуморал иммунитет бўғинларидаги кўрсаткичлар бузилишининг умумий тамойиллари бир хил бўлиб қолади. Ҳатто ягона лейшманиоз яралари мавжуд бўлгандаям беморлар организмида ҳам гуморал камроқ даражада, ҳам ҳужайравий кўпроқ даражада иммунитетнинг бўғинларида бузилишлар юзага келади. Биз IV гуруҳ беморларида этиологик омилнинг тарқалишини кўрсатадиган, клиникада лейшманиозли яралар борлиги билан намоён бўладиган, уларнинг атрофида лимфангитлар ва албатта дўмбоқчали тошмалар ҳосил бўладиган, демак ўтказиладиган даволанишга нисбатан яққол торпидлик кузатиладиган сезиларли ўзгаришларни аниқладик. Лейшманиозли яраларнинг асоратлари (лимфангитлар ва лимфаденитлар ҳодисалари) пайдо бўлганида, эндоген интоксикациянинг оғирлашиши кучаяди, бу назорат гуруҳидаги аналогик кўрсаткичларга солиштирганда қонда айланиб юрувчи иммун комплекслар кўрсаткичларининг деярли 2 баравар ошиши билан намоён бўлади.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, зоонозли тери лейшманиозида ҳужайравий иммунитет пасайиши ва гуморал иммунитет фаоллашуви кузатилиб, унинг ифодаланганлиги ЗТЛга чалинган беморларда асоратли шаклларининг борлиги, айниқса, лимфангит ва дўмбоқчали тошмалар намоён бўладиган лейшманиозли яралар мавжудлигининг устунлиги билан бўлди. Олинган натижалар, зоонозли тери лейшманиози кечишининг барча вариантларида, айниқса унинг асоратли шакллари юзага келганида иммуномодуловчи дори воситаларини қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Иммун тизимининг турли ҳужайралари медиатор вазифаларини бажарадиган биологик фаол коммуникацион молекулаларини ишлаб чиқара олади, яъни иммун жавоб ихтисослигини белгилаб беради ва бу моддалар цитокинлар деб аталади (Лысикова М. ва б., 2004; Akuffo H. ва б., 1990; Arraes S.M. ва б., 2008).

Зооноз тери лейшманиозига чалинган 84 нафар беморнинг қон зардобидидаги цитокин ҳолати кўрсаткичларини назорат гуруҳидаги амалий соғлом шахсларнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан таққосланган тадқиқот натижалари келтирилган.

Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларнинг умумий намунасида алоҳида цитокинларни ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

**3-жадвал.**

**Зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларда цитокин ҳолатининг кўрсаткичлари.**

Текширилган гуруҳлар	Цитокинлар	
	ИЛ-4, пг/мл	α-ЎНО-, пг/мл
Назорат гуруҳи	1,9±0,10	5,3±0,26
ЗТЛ беморлар (n=84)	3,1±0,39	14,5±0,75*

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$  бўлганида назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, зооноз тери лейшманиозига чалинган беморларнинг умумий намунасида яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4 нинг назорат гуруҳидаги худди шу кўрсаткич билан солиштирганда бироз кўтарилган: мос равишда 1,9±0,10 пг/мл ва 3,1±0,39 пг/мл  $p > 0,05$ . Яллиғланишга қарши цитокин – альфа-ЎНО миқдори бўйича тескари ҳолат кузатилди, унинг миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичига солиштирганда тахминан 2,7 марта ошди: мос равишда 14,5 ± 0,75 пг/мл ва 5,3 ± 0,26 пг/мл. Бу тери лейшманиозига чалинган беморларда яллиғланиш реакциясига далилдир.

Лейшманиянинг пайдо бўлиши ва яраси билан боғлиқ яллиғланиш жараёни организмнинг компенсатор-мослашувчи тизимларини сақлашга қаратилган иммунологик, шу жумладан цитокинли бузилишлар оқимига олиб келиб, бунга юқорида аниқланган яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларининг ўзгариши далилидир. Юқоридаги цитокинлар (ИЛ-4 ва альфа-ЎНО) ҳужайравий ва гуморал иммун реакцияларни рағбатлантиришда, шунингдек, микробларга қарши чидамлилиқни тартибга солишда иштирок этишини ҳисобга олсак, зооноз тери лейшманиозида цитокинли ҳолатнинг бузилиши ҳисобига ушбу цитокинларнинг ишлаб чиқариш жараёни пасаяди ёки йўқолади, натижада ЗТЛнинг асоратли шакллари ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Кўриб чиқилаётган цитокинларнинг миқдори ва зооноз тери лейшманиози касаллигининг давомийлиги ўртасида маълум бир даражада боғлиқлик аниқланади. Демак, агар касаллик 7 кундан 30 кунгача давом этса (лейшманиянинг пайдо бўлиши ва энгил яра бўлиши) ИЛ-4 нинг миқдори 2,1±0,36 пг/мл ва альфа-ЎНО эса 6,75 ± 0,48 пг/мл ни ташкил этди, дерматознинг давомийлиги 46 дан 60 кунгача бўлганида, асосан α-ЎНО цитокини мос равишда 2 баравар кўпайди, ИЛ-4 миқдори эса бир хил даражада сақланиб қолиб, бу организмнинг яллиғланишга қарши фаоллиги йўқлигини кўрсатади. Бундан маълум бўладики, касалликнинг давомийлиги ортса, зооноз тери лейшманиозининг клиник кўринишларининг

яллиғланишли табиатига жавоб берадиган иммунологик танқислик ва цитокинларнинг фаоллиги тахминан 2 баравар ошади.

Зооноз тери лейшманиозининг классик кечиши лейшманиомаларнинг шаклланиши билан ифодаланиб, у кўпроқ ўзининг ривожланишида чандикқа айланадиган яралар билан пайдо бўлади. Унинг табиати асосан яралар жараянининг ифодаланганлиги ва зооноз тери лейшманиозининг асоратли шакллари ривожланиши эҳтимоли билан белгиланади. Шу сабабли, натижалари 4-жадвалда келтирилган зооноз тери лейшманиозининг клиник кечиши вариантларига қараб цитокин ҳолатидаги ўзгаришлар хусусиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эди.

#### 4-жадвал.

**Зооноз тери лейшманиозининг турли клиник вариантларида цитокин ҳолатининг хусусияти.**

Текширилган гуруҳлар	Цитокинлар	
	ИЛ-4, пг/мл	α-ЎНО-, пг/мл
Яра бўлган лейшманиомалар (n=23)	2,8±0,27	9,7±0,46*
Лимфангит ва лимфаденит бўлган лейшманиомалар (n=20)	1,1±0,43	15,7±1,32*
